

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 7 март, № 47 (5977) Жума


**«Sekai Nippo»:**

## «Ўзбекистон — Япониянинг вақт синовидан ўтган энг муҳим ҳамкорларидан бири»

*Яқинда Японияда чоп этиладиган “Sekai Nippo” оммабоп газетасида мамлакатимиз мавзусига мурожаат қилинар экан, “Ўзбекистон — Япониянинг вақт синовидан ўтган энг муҳим ҳамкорларидан бири”, дея қайд этилди.*

ДУНЁ НИГОҲИ

Нашрда икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар йўналишлардаги алоқалар шитоб билан ривожланаётганига алоҳида эътибор қаратилгани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йили Японияга буюрган расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга кучли туртки бергани таъкидланади. “Бу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик алоқаларини янги даражага кўтарди”, деб ёзилади газетада.

“Sekai Nippo” ўз ўқувчиларини 2012 йили икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги кенг нишонлангани билан ҳам таништирган. Мақолада мазкур муҳим сана муносабати билан Япония ва Ўзбекистонда ташкил этилган кўпгина маданий анжуманлар тафсилотлари атрофлича қаламга олинган.

“Шу билан бирга, Японияда ҳар йили Ўзбекистон маданияти кунлари, Тошкентда эса япон маданияти ва киноси ҳафталиги тадбирлари ўтказилади. Ўзбекистон пойтахтида очилган “Ўзбек — япон маркази”, И. Хирояма номидаги Халқаро маданият карвонсаройи, Япон боғи ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари муваффақиятли фаолият кўрсатиб, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларни чуқурлаштиришга салмоқли ҳисса қўшаяпти. Ўз навбатида, Токио шаҳрида ўзбек адабиёти асосчиси Алишер Навоийнинг ҳайкали ўрнатилгани Буюк Ипак йўли билан тарихан боғланган халқлар ўртасидаги фаол маданий алмашувларнинг рамзи сифатида эътироф этилмоқда”, дея ёзилади нашрда.

(Давоми 2-бетда).

ТИББИЁТ

*Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларни эъзозлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш мақсадида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.*
*Хусусан, баркамол авлод тарбияси, аввало, соғлом онага боғлиқ эканлигидан келиб чиқиб, улар изчил тарзда тиббий текширувлар, даволаш-профилактика тадбирлари билан қамраб олинаяпти.*

## Саломатлик ҳафталиги давом этмоқда

Аввал хабар қилганимиздек, шу кунларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан республикамизнинг барча ҳудудларида саломатлик ҳафталиги ўтказилаётганлиги мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Жумладан, **Андижон вилояти**нинг шаҳар ва туманларида 1458 нафар мутахассис жойлардаги тиббиёт бирлашмалари, қишлоқ врачлик пунктлари, хонадонларга ташриф буюриб, туғиш ёшидаги аёллар, хотин-қизлар, нуроний онахонларимизни текширувдан ўтказмоқда. Шу билан бирга, махсус ижтимоий муассасаларда истиқомат қилувчи ногирон, ёлғизлар уларнинг эътибори ва меҳридан баҳраманд бўлмоқда.

— Шифокорлардан иборат махсус гуруҳ Избоскан туманининг Чувама қишлоғида жойлашган Мурувват уйида ҳам бўлишди, — дейди вилоят силга қарши курашиш диспансери бош шифокори М. Зулунов. — “Проскан — 2000” аппарати ва бошқа диагностика ускуналари билан жиҳозланган махсус автомашинада ҳар куни режа асосида текширув амалиётлари бажарилмоқда.

— Шу кунгача 7445 нафар аёл тиббий текширувдан ўтказилди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Г. Абдуллаева. — Шундан 2560 нафари ўсмир ёшидаги қизлар, 998 нафари нуроний онахонлар, 688 нафар ногирон аёллардир. Хасталиги аниқланганлар даволаш муассасаларига ётқизилди, шунингдек, айримларига амбулатор ҳолда даволаниш тавсия қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Наманган вилоятида кейинги бир йил давомида ташқи бозорга маҳсулот чиқараётган корхоналар сони 12 тага кўпайиб, уларнинг сони 94 тага етди.*

### Наманганда экспорт қилувчи корхоналар сони 94 тага етди

2013 йилда улар томонидан жаҳон бозорига 102 миллион АҚШ долларилик маҳсулот етказиб берилди.

Ишлаб чиқаришга илғор технологияларни кенг жорий этиш ушбу йўналишдаги имкониятларни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, Наманган туманидаги “Тошбулоқтекс” қўшма корхонасида амалга оширилган модернизация тадбирлари туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 20, экспорт миқдори эса 7 фоиз ўсди. Аниқроқ айтганда, бу ерда 657,9 минг АҚШ доллари қийматидаги технологик лойиҳа ижросидан сўнг корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 500 тоннага ошди. Пировардида 2013 йилда 15,3 миллиард сўмлик калава ип тайёрланиб, унинг 5,7 миллион АҚШ доллари миқдоридагиси экспортга чиқарилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Архивдан ҳужжатларнинг электрон нусхасини олиш мумкин

*Қорақалпоғистон Республикаси Марказий давлат архивида ҳужжатлар электрон шаклда олинаяпти.*

— Қиймати 30 минг АҚШ долларилик замонавий қурилма архив ҳужжатларидан электрон нусха кўчириш имкониятини беш баробар оширди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Архив иши бошқармаси бош мутахассиси Б. Жубатова. — Масалан, илгари оддий усулда, яъни қўлда кунига 400 тагача ҳужжатни тайёрлашга улгурган бўлсак, энди бу кўрсаткични 2 мингтага етказиш мумкин.

Эътиборлиси, ўтган йили муассасада сақланаётган 25 минг 346 та ҳужжат ана шу усулда электрон кўринишга ўтказилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Янги усул кўпчиликда қизиқиш уйғотди

*Олот шаҳрилик Анваржон Янгиевнинг эртаки помидор ва бодринг етиштириш борасидаги тажрибаси кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлди.*

— 2011 йилда ўн сотих ерда иссиқхона барпо этгандим, — дейди асл касби муҳандис бўлган А. Янгиев. — Шу ердан топган даромадимиз эвазига ўтган йили иссиқхонани яна ўн сотихга кенгайтирдик. Кўчатни ҳовлида етиштирамиз. Октябрь ойида помидор уруғини тиғиз қилиб экамиз. Декабрга келиб, кўчатлар чиритилган гўнг ва тупроқ солинган плёнкали қутичаларга кўчириб ўтказилади. Бир ой ўтгач, уларни каттароқ ҳажмли елим қутиларга биттадан қилиб ўтказамиз. Февралда эса гуллайди. Ана шунда уларни иссиқхонага кўчириш мумкин. Илдизи ўрнидан қўзғалмагани учун бундай ниҳоллар тез ўсади. Эрта ҳосилга киради. Йигирма сотихли иссиқхонамиз эса қўшқаватли полиэтилен плёнка билан ўралган. Уни иситишга зарурат йўқ.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Битирувчи 12 миллион сўм фойда кўрди

*Қарши иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиси Лочинбек Хўжаевга бошланғич сармояни шакллантириш учун банкдан ажратилган 50 миллион сўмлик имтиёзли кредит қўл келди.*

— “Ипотека-банк” ташкил этган тадбиркорлик фаолиятига оид семинарда қатнашганимдан сўнг ҳеч иккиланмасдан ушбу соҳани танладим, — дейди Лочинбек. — “Modern Max” корхонасини очиб, темир дарвоза, эшик ҳамда дераза ромлари ишлаб чиқара бошладик. Айни чоғда бу ерда 40 нафар коллеж битирувчиси меҳнат қилмоқда. Улар кўмагида ўтган қисқа вақт ичида 139 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, дастлабки 12 миллион сўмлик соф фойдага эга бўлдик. Шу кунларда янги турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ҳам режалаштираяпмиз.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**8 март — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ**

*Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш, ўз имкониятларини тўла намоён этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, турмуш даражасини янада яхшилаш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди.*

## Хотин-қизлар ҳуқуқларининг ишончли кафолати

Бундан ўн, ўн беш йиллар илгари фақатгина ижтимоий соҳаларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожида долзарб аҳамиятга эга бўлган молия-банк, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик каби йўналишларда хотин-қизларимизнинг иштироки катта бўлмоқда.

Шубҳасиз, бунда хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилганлиги муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон ўтган даврда қатор конвенция, шартномаларга қўшилган бўлса, улардан бевосита хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофазалашга қаратилганлари ҳам салмоқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида эса хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги мустаҳкамланган бўлиб, бу қоида бошқа қатор қонунларимизда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Оила кодексида оилавий муносабатларда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 17-моддасида барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилиши, Меҳнат кодексининг 6-моддасида барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, қонунчилигимизда хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган имтиёзлар ҳам мавжуд. Жумладан, Меҳнат кодексида аёлларга йиллик таътилларни бериш навбатини белгилашдаги имтиёзлар, ўн икки ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун қўшимча таътиллар, ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари, бола икки ва уч ёшга тўлгунгача парваришлаш учун бериладиган таътиллар, янги туғилган болаларни фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга бериладиган таътиллар ҳамда ҳомиладор ва боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда кафолатлар белгиланган.

(Давоми 2-бетда).

## МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ

### иқтисодиётимиз юксалишида муҳим ўрин тутмоқда



*Президентимиз мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида алоҳида эътироф этганидек, юртимизда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.*

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

Бундан беш йил муқаддам иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган “Қўқон механика заводи” ОАЖда шу йўналишда рўёбга чиқарилган лойиҳа бунинг яққол тасдиғидир.

Бугун мазкур жамият “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси таркибидаги тармоқ корхоналарига эҳтиёт қисмлар, ностандарт ускуналар, нефть маҳсулотларини сақлаш учун резервуарлар ва хўжалик газ баллонлари етказиб берадиган ягона корхонадир. Вазирлар Маҳкамасининг “2010 — 2012 йилларда Қўқон шаҳрининг саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори нафақат корхона салоҳиятини тиклашга, балки ишлаб чиқариш қувватлари ортишига ҳам хизмат қилганини айтиш зарур.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Мамлакатимизда ташкил этилган махсус индустриал зоналардаги корхоналар томонидан 2013 йилда умумий қиймати**

**100 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.**

Юксак технологиялар асосида тайёрланган модем ва телевизорлар учун приставкалар, электр энергиясини электрон ҳисоблагичлар ҳамда уни тежайдиган диодли лампалар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобиль ҳамда стационар телефон аппаратлари шулар жумласидан бўлиб, улар юртимиз аҳолиси ва хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди.

## ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

*Президентимиз Ислом Каримов тақдим этган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида суд кадрларини танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид қонун қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатига юборилди. Қуйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Тўлқин ТУРСУНОВ билан ЎзА мухбири мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида суҳбатлашди.*

# СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ЭТИШ ЙЎЛИДА

— Мамлакатимизда демократик янгиланишнинг муҳим йўналиши сифатида суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Т. Турсунов. — Ўтган даврда суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқарилди, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатларини кучайтириш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги либераллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. "Хабеас корпус", ярашув институтларининг жорий этилгани ва бу институтларни қўллаш доираси мунтазам кенгайтирилиб, тергов устидан суд назоратининг кучайтирилаётгани ва бошқа жараёнлар бунинг яққол далилидир. Ушбу ислоҳотларнинг ижобий самаралари жамоатчилик, экспертлар, мутахассислар, ҳуқуқни қўлловчилар томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугунги ислоҳотлар жараёнида судлар фаолиятини ташкил этиш, судья кадрларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга кўрсатиш тизими ҳам жадал такомиллашиб бормоқда. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан суд тизими фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга қаратилган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга жорий этилди. Хусусан, Президентимизнинг суд тизими ходимларининг ижтимоий ҳимоясини тубдан яхшилаш ҳамда судлар фаолиятини янада такомиллаштиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонлари қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, судья кадрларни танлаш ва тайинлаш, судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Бу судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни, хусусан, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомни янада такомиллаштиришни тақозо этди.

*— Мазкур низомнинг янги таҳририни кўриб чиқишда қўмита томонидан қандай ишлар амалга оширилди?*

— Бу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан тайёрланиб, Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси билан киритилди. Лойиҳада юқорида номи қайд этилган низомни янги таҳрирда тасдиқлаш кўзда тутилган. Ушбу низом лойиҳасини ўрганиш ва такомиллаштириш мақсадида қўмита ҳузурида мутасадди идоралар вакиллари, экспертлар ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилди.

Низом лойиҳаси устида ишлаш жараёнида амалдаги қонун ҳужжатлари атрофлича ўрганиб чиқилди ва таҳлил қилинди, низомдаги янги нормалар давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари талаблари асосида такомилига етказилди, ривожланган хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги қонунчилиги билан таққосланди.

Лойиҳа барча сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлари гуруҳида муҳокама қилиниб, билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида маромига етказилди.

*— Ушбу ҳужжатда кўзда тутилган асосий янгиликлар нималардан иборат?*

— Лойиҳадаги муҳим янгиликлардан бири судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасини шакллантириш механизми такомиллаштирилаётганидир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси ва жойлардаги тегишли малака ҳайъатларининг вазифалари янада аниқлаштирилган. Кадрлар захирасини шакллантириш жараёнида бошқа идоралар, хусусан, адлия, прокуратура, ички ишлар идораларининг иштирок этиши тартиб-таомиллари белгилаб қўйилган.

Низомнинг янги таҳририда акс этган қоидага кўра, судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган захирадаги номзодлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида ўқиши ва мамлакатимизнинг тегишли судларида стажировка ўташи шарт. Бу судьяликка номзодларнинг зарур тайёргарликка эга бўлишини таъминлашда муҳим омил бўлади. Зеро, судьялик лавозимига захирада турган номзодлар амалдаги қонун ҳужжатларига, ҳуқуқни қўллаш амалиётига, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мазмун-моҳиятига доир билим, кўникма ва тажрибаларини ошириб бориши, пировардида ўз касбининг чинакам билимдони бўлиши лозим.

Низомда судьяларнинг янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимига кўрсатиш масалаларига оид қоидалар ҳам янада такомиллаштирилган. Яъни бу тоифадаги кадрларнинг тегишли ҳужжатларини ўрганиш, улар билан суҳбатлар ўтказиш, ўрганиш натижаси бўйича хулосалар тайёрлаш тартиби янгидан кўриб чиқилди. Бу янгиликлар судьяларни янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимига тавсия этиш жараёнининг очиқлигини, демократик ва холис ёндашувни таъминлайди. Мазкур қонун Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга юборилди.

Мухтасар айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши судья кадрларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга кўрсатиш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим мақсад ва устувор йўналишларига ҳамоҳанг бўлиб, судьяларнинг том маънодаги мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Н. АБДУРАИМОВА**
**суҳбатлашди.**

# Хотин-қизлар ҳуқуқларининг ишончли кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида оила соғлиғини сақлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унда хусусан, болали оилалар фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасига оид қонун ҳужжатларида белгиланган бир қатор имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги баён қилинган. Бу асосан, она бўлган аёллар учун жуда муҳимдир.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқларини кенгроқ таъминлаш мақсадида сайлов тўғрисидаги қонунчиликка киритилган ўзгартишлар эса уларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, сиёсий партиялардан депутатликка кўрсатиладиган номзодлар орасида хотин-қизлар 30 фоиздан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилди. Бу янгилик хотин-қизларни сиёсий жараёнларга кенгроқ жалб этиш, қонунлар ва қарорлар қабул қилишда эркаклар билан бирга аёлларнинг ҳам тенг иштирок этишларига имкон яратди.

Шу ўринда парламентда солиқ ва иқтисодиётга оид кўплаб қонунлар такомиллаштирилгани, солиқлар юкини камайтириш ва бизнес фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўядиган янги қонунларнинг яратилгани мазкур соҳаларда фаолият юритаётган хотин-қизларга, ўз ишини бошламоқчи бўлган аёлларга кенг имкониятлар очиб берганини қайд этиш жоиз. Шунингдек, аҳолининг бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорлик, хусусий бизнес ва касаначиликни ривожлантиришга оид ҳуқуқий асослар яратилганлиги касб-ҳунарга эга кўплаб хотин-қизларнинг оилавий тадбиркорлик ва касаначилик асосида меҳнат қилиб даромад топишлари учун асос бўлди.

Ўз навбатида, "Соғлом бола йили" Давлат дастурида ҳам соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, жумладан, "Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида", "Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги ва бошқа қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш режалаштирилгани биз, депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди. Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши, шубҳасиз, аёлларимизнинг соғлом фарзандни дунёга келтириш ва тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Зеро, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш халқимизнинг энг улуғ, энг муқаддас орзусидир.

**Назира МАТЯКУБОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

## Қисқа сатрларда

• Жиззахда бўлиб ўтган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркасида 50 дан ортиқ илмий тадқиқот, олий таълим ва тажриба-конструкторлик ташкилотларидан юздан зиёд технология ва ишланмалари намойиш этилди. Унинг доирасида ўтказилган кўрик-танловда "Энг фаол иштирокчи", "Энг фаол ёш иштирокчи", "Энг яхши инновацион ишланма муаллифи" каби ўндан зиёд номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

• **Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида интенсив боғ барпо этиш ва мавжуд боғларни парваришлаш агротехникасига бағишланган кўргазмали семинарда боғдорчилик ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислар иштирок этди.**

• Андижон вилоятининг Улуғнор туманидаги Шаҳробод маҳалласида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда аскарларнинг ҳарбийлар ҳаёти, у ерда яратилган шароит ҳақидаги фикрлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши билан ҳамкорликда мамлакатимиз БМТга аъзо бўлганининг 22 йиллигига бағишлаб "Дунё тан олган юртим" мавзуида маънавий-маърифий анжуман ўтказилди.**

• Қарши шаҳридаги вилоят мусиқали драма театрида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланиб "Мунис ва меҳрибон, муштарам аёл" деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

# МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ

## иқтисодиётимиз юксалишида муҳим ўрин тутмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Зеро, ана шу ҳужжат асосида бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш, рақобатбардошлигини ошириш ва маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ишлари изчиллик билан давом эттирилиб, салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

Аввало, корхона тубдан қайта реконструкция қилинганлигини айтиш жоиз. Хусусан, Германия, Швеция, АҚШ, Португалия, Италия ва Швейцариядан 8 миллион 240 минг АҚШ доллари эвазига 32 дона 21 турдаги мураккаб жараёнларни бажарадиган автоматлаштирилган, листга шакл берувчи дастгоҳлар, токарлик, фрезерлаш ва пардозлаш дастгоҳлари олиб келинди. Шунга мос ҳолда, ушбу мураккаб машиналарни бошқара оладиган кадрлар шакллантирилди.

Бундай саъй-ҳаракатлар тезда самара бера бошлади. Биргина мисол. Ишлаб чиқариш ҳажми кейинги 3 йил ичида беш баробар ошди. Бу ерда 2010 йили 5 миллиард 190 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 26 миллиард 310 миллион сўмликка етди. Истеъмолчиларга маҳсулот сотиш ҳажми эса 6 баробар ортиб, 2010 йилдаги 4 миллиард 691 миллион сўмдан 27 миллиард 381 миллион сўмга етди.





— Иқтисодий юксалиш билан бирга, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳам доимий эътиборда, — дейди корхона раҳбари Шарифжон Йўлдошев. — Масалан, 2010 йилда бир ишчининг ўртача меҳнат унумдорлиги 17 миллион 673 минг сўмга тўғри келган бўлса, маҳаллийлаштириш лойиҳаси шарофати билан 2013 йилда 42 миллион 711 минг сўмни ташкил қилди. Иш унуми эса 2,5 баробар ортди. Бу ишчиларнинг ўртача иш ҳақи ўсишига туртки берди. Ҳозирги кунда улар бундан уч йил аввалгидан икки баробар кўп маош олмоқда.

Айтиш жоизки, 2012 — 2013 йилларда корхона бўйича 106 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган бўлиб, ушбу вазифа ҳам муваффақиятли уддаланди. Энг муҳими, сўнгги 2 йил мобайнида шаҳардаги коллежларни битирган ёш мутахассислардан 220 нафари корхона ишчилари сафига қўшилди. Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг деярли ярмини 30 ёшгача бўлган ишчилар ташкил этмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастурида бу ерда хўжалик газ баллонлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилган бўлиб, ушбу йўналишга, асосан, ёшлар жалб этилди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан хўжалик газ баллонлари ишлаб чиқариш ўтган йили 2010 йилдаги 4 минг донадан 155 минг донага етди. Натижада газ баллонларини четдан келтириш муаммоси ҳал этилди.

Умуман, "Қўқон механика заводи" ОАЖ жамоаси маҳаллийлаштириш дастури шарофати билан нафақат ойдин йўлга чиқиб олди, балки ҳар жиҳатдан ривожланиб бораётган корхоналар қаторидан жой эгаллашга интилмоқда.

**Набижон СОБИРОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

**«Sekai Nippo»:**

# «Ўзбекистон — Япониянинг вақт синовидан ўтган энг муҳим ҳамкорларидан бири»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Газетада Ўзбекистон қўлга киритган муваффақиятлар хусусида тўхталиб, республиканинг мустақил тараққиёт йиллари давомида индустрлаштириш йўлида мустаҳкам туриб олгани қайд этилади. "Мустақиллик йиллари давомида мамлакат иқтисодиёти 4 баробарга ошди, кейинги 7 йил мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг йиллик ўсиши барқарор равишда 8 фоиздан зиёд кўрсаткични ташкил этмоқда. Бундай зафарларга эришилишида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда турли лойиҳаларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этган япон компанияларининг ҳам муайян ҳиссаси бор".

"Sekai Nippo"да Ўзбекистонда 2014 йилнинг Президент Ислом Каримов томонидан "Соғлом бола йили" деб эълон қилингани хусусида тўхталиб, "бу ўзбеклар юртида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ва баркамол ривожланган авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради" таъкидланади.

Хулоса тариқасида икки мамлакат халқларининг тарихи ва маданиятида муштарак жиҳатлар кўп эканлиги қайд этилар экан, ўзаро дўстона муносабатлар бардавомлигининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланадиган мазкур омиллар Ўзбекистон — Япония стратегик алоқаларини янада ривожланишига хизмат қилажагига ишонч билдирилади.

**«Жаҳон» АА.**

# Саломатлик ҳафталиги давом этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Сурхондарё вилояти**да ҳам "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида фертиль ёшдаги аёллар ва оналар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларни соғломлаштириш чоралари кўрилмоқда.

— Туманлардаги 244 та қишлоқ врачлик пункти, 304 та амбулатория-поликлиника муассасаси шифокорлари хонадонларда бўлиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда тиббий маданиятни ошириш борасида тавсиялар бермоқда, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари Ш. Қурбонов. — Ҳафталик давомида 15723 нафар туғиш ёшидаги аёл, 14404 нафар 14 ёшгача бўлган ўсмир тиббий кўрикдан ўтказилиб, айни пайтда 4937 нафар болани соғломлаштириш тадбирлари кўрилмоқда.

— Шундай шарт-шароитларни яратиб берган Президентимизга раҳмат, — дейди Денов туманидаги "Жаматак" ҚВПга тўрт нафар келинини бошлаб келган онахон Тожихол Жумаева. — Ёшлигимизда бундай эътибор ва ҳурмат тушимизга ҳам кирмаган. Чақалоғимизнинг чилласи чиқмасдан, далага йўл олардик. Қизларим ва келинларимга: "Сизларнинг пешонангиз ярқираган", деб кўп айтаман. Қаранг, баҳорнинг илк байрами арафасида саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда. ҚВПмизнинг ўзидаги шароитлар олдинги марказий касалхоналардагидан минг чандон зўр. Шифокорлар ҳамшираларнинг ширинсуханлигини айтмайсизми?!

**Самарқанд вилояти**да ҳам ҳафталик доирасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаяпти. Бунда, энг аввало, фертиль ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар, кекса онахонлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга тегишли тавсиялар, маслаҳатлар берилмоқда. Қўли енгил, тажрибали мутахассис шифокорларнинг хонадонларга бориб, хотин-қизларимизни кўрикдан ўтказаётгани барчага бирдек манзур бўлаётир.

— Илгари енгилгина шамоллаcак ҳам туман ва шаҳар марказига борардик, — дейди жомбойлик 72 ёшли онахон Зубайда Аннақулова. — У ерда соатлаб навбатда туриб, чарчаб қайтардик. Энди эса шифокорларнинг ўзи уйимизга келиб ҳол-аҳвол сўраяпти, бирор касаллик аниқланса, то тузалгунимизча назорат қилишаяпти. Хуллас, бугун ҳар қанча шукроналар айтиб яшасак арзийди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Г. Элтазарованинг айтишича, ҳафталик давомида ташкил этилаётган суҳбатларда аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, эрта турмушга чиқишнинг олдини олиш масалаларига алоҳида урғу берилмоқда.

**С. ШУКУРОВ,**
**Н. ТЕМИРОВ,**
**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Халқ банкининг Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёмини аҳолидан қабул қилиш тўғрисидаги

# ҚЎШМА МУРОЖААТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёмини чиқариш ва уни тарқатиш тартиби тўғрисида"ги 165-сонли қарорига асосан, аҳоли ўртасида тарқатиш учун Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёми облигациялари чиқарилган (кейинги ўринларда — облигация).

Облигациянинг чиқариш шартларига асосан, уларнинг амалдаги муддати 20 йил этиб белгиланган бўлиб, 2014 йилнинг 1 июлигача тўловлар талаб қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги "Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёмини қабул қилиш ва сўндириш чора-тадбирларини ташкил этиш тўғрисида"ги 51-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда давлат томонидан аввал қабул қилинган мажбуриятларни сўзсиз бажариш, фуқаролар жамғармаларининг кафолатли ҳимоясини таъминлаш, аҳоли ишончини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат-тижорат Халқ банки қуйидагиларни маълум қилади:

2014 йилнинг 1 апрелидан 1 июлигача Халқ банкининг ваколатли бўлинмалари аҳолидан (Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини кўрсатган ҳолда) облигация эгалари номига "талаб қилиб олингунча" ҳисоб рақамини очиш ҳамда тасдиқланган хужжат бериш йўли билан облигациялар қабул қилинади;

2014 йилнинг 1 августидан 30 ноябрига қадар индексацияни ҳисобга олган ҳолда, пул маблағлари тўлаб берилади;

белгиланган муддатларда тўловга берилмаган облигациялар ўз кучини йўқотади, тўловга қабул қилинмайди ва сўндирилмайди.

Облигацияларни қабул қилиш ва тўлаб бериш юзасидан барча саволлар бўйича Давлат-тижорат Халқ банки ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қуйидаги манзиллар бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги,
Тошкент ш., Мустақиллик майдони-5.
Тел.: (8-371) 239-12-52, 239-15-69**

**Давлат-тижорат Халқ банки
Тошкент ш., Қатортол кўчаси, 46-уй.
Тел.: (8-371) 273-69-15,
150-12-91**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВАКОЛАТГА ЭГА ХАЛҚ БАНКИ ФИЛИАЛЛАРИ

# Р Ў Й Х А Т И

| № | Филиал номи | Филиал жойлашган манзил | Маълумот учун телефонлар |
|---|---|---|---|
| | **Қорақалпоғистон Республикаси** | | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси Амалиёт бўлими | Нукус шаҳар, Гарессизлик кўчаси, 75-уй | (8 361) 770-62-65 |
| 2 | Оқманғит филиали | Нукус тумани, Дарсан кўчаси, 15-уй | (8 361) 226-44-82 |
| 3 | Амударё филиали | Амударё тумани, Бердақ кўчаси, 1-уй | (8 361) 515-19-46 |
| 4 | Беруний филиали | Беруний тумани, Кат кўчаси, 71А-уй | (8 361) 524-65-54 |
| 5 | Қанликўл филиали | Қанликўл тумани, Дўстлик кўчаси, 9-уй | (8 361) 332-20-66 |
| 6 | Қораўзак филиали | Қораўзак тумани, А.Торешова кўчаси, 75-уй | (8 361) 465-55-71 |
| 7 | Кегейли филиали | Кегейли тумани, Дўстлик гузари, 27-уй | (8 361) 412-24-83 |
| 8 | Қўнғирот филиали | Қўнғирот тумани, Қорақалпоғистон кўчаси, 65-уй | (8 361) 312-23-52 |
| 9 | Мўйноқ филиали | Мўйноқ тумани, Бердақ кўчаси, 13-уй | (8 361) 322-23-41 |
| 10 | Тахиатош филиали | Тахиатош шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 8-уй | (8 361) 572-21-80 |
| 11 | Тахтакўпир филиали | Тахтакўпир тумани, Е. Алакуз кўчаси, 5-уй | (8 361) 435-19-96 |
| 12 | Тўрткўл филиали | Тўрткўл тумани, Ш. Рашидов кўчаси, 68 А-уй | (8 361) 601-26-32 |
| 13 | Хўжайли филиали | Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 47-уй | (8 361) 770-62-85 |
